

Коррупцияга карши курашиш бўйича тадбир



Автомобиль йўллари давлат қўмитасида 9 декабрь – халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни тўғрисида маълумот берилиб, мазкур қонун 6 боб, 34 та моддадан иборатлиги, у – коррупцияга қарши курашиш соҳасида-ги хуқуқий муносабатларни тўлик қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга- қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг хуқуқий онги ва ху-қуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай қўринишларига- тоқат қиласлик муҳитини яратишга хизмат қилиши ҳақида маълумотлар бериб ўтилди.



Мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ислоҳотларнинг янги даври бошлангани ва бунда коррупцияга- қарши курашиш давлатнинг устувор вазифаси эканидан далолат экани алоҳида таъкидланди.



Худди шундай тадбир Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида ҳам бўлиб ўтди.

[Автомобиль йўллари давлат қўмитаси](#)

[матбуот хизмати](#)